



ЎРУСХОННИ БАРТАРАФ КИЛИШ ВА ДАШТИ КИПЧОКНИ БОСИБ ОЛИШДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

[Дашти Кипчок] хони Тўхтамиш хонлик талашиб Ўрусхондан енгилиб, менинг панохимга кочиб келган эди. Унинг билан кўшин юборсаммикин, ё ўзим борсаммикин деб турганимда Ўрусхоннинг элчиси келиб колди. Кенгашиб, элчининг кўнглини овлаб, [сўнг] кетишига рухсат беришни, ўзим эса Дашт томон юзланиб, элчининг кетидан лашкар жўнатишни мўлжалладим, токи элчи хотиржамлик билан бўлган воқеалардан Ўрусхоннинг мажлисида баён килсин, эртаси куни менинг кўшинларим кўккисдан уларнинг устига бостириб борсин.

Ўйлаганимдек иш тутгандим, тадбирим такдирга тўгри келди. Ўрусхон элчиси бўлган воқеаларни сўзлаб бераётган пайтда, менинг кўркмас лашкарим фавжлари ногахон келган балодек Ўрусхон устига ёпирилдилар. Ўрусхон каршилиқ кўрсата олмай, кочишни ихтиёр килди. Дашти Кипчок мамлакати менга бўйсунди.

ГИЛОН, ЖУРЖОН, МОЗАНДАРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ШИРВОН, ФОРС ВА ИРОК МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

Ирок ахблисининг музаффарийлар ва турли тоифадаги хукмдорлар зулмидан шикоят килиб ёзган аризалари кўлимга тушгач, Ирокка юриш тадоригини кўришга жазм килдим. Шу вақт хотирамга бу мамлакатларнинг подшоҳлари иттифок бўлиб,, «менга қарши урушга кўтарилсалар-чи? Демак, жангга шай бўлиш лозим!» — деган фикр келди. Амирларим ҳам жанг қилайлик деб маслаҳат бердилар. Ўзим эса буларни бирма-бир ром этган холда бўйсундириш, итоатга келмаганларини эса жазолаш лозим, деган қарорга келдим.

Менинг панохимга келган биринчи одам Мозандарон ҳокими Амир Али бўлди. У менга пешкаш жўнатиб, мактубида «Биз хазрати Али авлодидан бўлган бир жамоамиз. Шу ерда қаноат килиб кун кечираётимиз. Бу ерни олсангиз қуввату кучингиз ортар, «Кечиб юборишингиз таквога яқинроқ ишдир»,—деган гаплар битилган эди. Мен Мозандарон

хокимининг бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. [У ерни ўзларига колдирдим] ва Гилон, Журжонга караб йўл олдим. У ўлканинг хокимлари менга бўйсунмагач, кахрли кўшимини фавжларини уларнинг устига юбордим, ўзим эса Ирокка лашкар тортдим. Исфахонни забт этдим. Исфахон ахолисига ишонч билдириб, калъасини ўзларининг кўлига топширдим. Улар бўлса исён кўтариб, мен тайинлаган доругани аскарларимдан уч минг одам билан бирга тигдан ўтказдилар. Мен ҳам Исфахон ахолисини катли ом килиш хакида буйрук бердим.

ФОРС ПОЙТАХТИ (ШИРОЗ)НИ ВА ИРОКНИНГ КОЛГАН КИСМИНИ ЗАБТ ЭТИШ БОБИДАГИ КЕНГАШ

Широзни музаффарийларга колдириб, Исфахонда эса уч минг одамимни тайинлаб, ўзим Тўхтамишхонни дафъ этиш учун Дашти Кипчокка лашкар тортиб борганимда, Исфахон ахолиси доругани ўлдирди. Шу вақтнинг ўзида Широз ахолиси ҳам менга бўйсунмай кўйган эди. Шу сабабли, уларни жазолаш мақсадида яна Ирокка юриш килишга тайёрлана бошладим. Саксон минг отлик аскар тўплладим. Лекин бу катта кўшин билан бир йўла Ирок ўлкасига кирсам, у ерга сигмай қолиши мумкинлигини мулохаза қилиб, лашкаримни фавжларга бўлиб, уларни Ирок мамлакатини боскин килишга бирин-кетин юборишни фикрладим. Шу қарорга келиб, лашкаримни уч фавжга бўлдим ва ўзимдан олдинда боришни тайин қилдим. Ирокнинг ҳар ер-ҳар ерида тўпланган ганим аскарларининг ҳаммаси тарқалиб кетди. Сўнг Широз устига кўшин тортдим. Шох Мансур Жанг майдонида мен билан тўқнашиб, жазосини топди.

ТЎХТАМИШХОНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ҚИЛИНГАН КЕНГАШ

Лашкарларим беш ой давомида Тўхтамишхоннинг ортидан қувиб юргани сабабли кўпинча оч қола бошладилар. Чунончи, бир неча кун бошбалмок ўти, ов гўшти, сахро паррандаларининг тухуми билан кун кечирдилар. Кўшимини бундай оғир аҳволга тушиб қолганини эшитган Тўхтамишхон фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди ва чумолию чигирткадан ҳам кўп аскар билан устимизга ёпирилиб келди ва мен билан тўқнашди. Менинг аскарларимнинг очликдан тинкаси қуриганди. Тўхтамишхон аскарлари эса, тўқ ва осуда эдилар. Фарзандларим ва набираларим ҳузуримга келиб, тиз чўкиб, мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирмагунларича, саркардаларим, ва аскар бошлиқларим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар. Шу пайт Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил бириктирди — уруш бошлаганимда ва икки томон кўшини юзма-юз қилганда, байроқдор байрогини тубан қилиши хакида у билан қилишиб олдим.

Амирларим ва нўёнларим, фарзандларим [ва набираларим] олдимга келиб, тиз чўкканини эшитгач, жасурлиги тутиб, кўркмай жангга кирдилар. Шунда мен амирзода Абу Бакрни саккиз минг отлик билан хировул этиб тайинладим. Савашу чопиш кизишиб, жангу жадал ўти кўкка кўтарилганда, [лашкарларга] чодирлар тикиб, таом тайёрлашга киришишни буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроги тубан бўлди ва Тўхтамишхон саросимага тушиб колди. У Жўчи улусини талон-торожга ташлаб, жанг майдонига орка ўгириб кочди.

ДОРУССАЛОМ (БАГДОД) НИ ВА ИРОКИ АРАБНИ ЗАБТ ЭТИШ ТЎГРИСИДАГИ КЕНГАШИМ

Ироки ажам ва Форсни забт этганимдан кейин, кутб ул-актоб пиримдан менга «Араб ва Ажам Ирокининг буюк кахрамонига [тангри таоло] Ироки араб билан Ироки ажамни тортик килди», деган мазмунда мактуб келди.

Багдодни забт этиш учун даставвал султон Ахмад Жалоирий хузурига Багдод волийси лашкарининг кай ахволда эканлиги, юриш-туриши, кудрати хакида маълумотлар олиб келиш учун элчи юборишга келишилди. Элчи Багдоддан менга: «Султон Ахмад икки кўзли бир бўлак гўшт экан», деган мазмунда хат юборди. Мен тангрининг иноятига суяниб, [Багдод устига] караб юрдим ва тез фурсатда Багдодга етиб бордим. Султон Ахмад жалоир колишдан кочмокни афзал кўриб, Карбало томонга караб кочди. Шу билан доруссалом Багдод менга бўйсунди.

ТЎХТАМИШХОННИ ЙЎКОТИШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ

[Тўхтамишхон мандан енгилиб] Жўчи улусини талон-торожга ташлаб, ўзи кочган эди. Кейинрок менинг йўклигим фурсатидан фойдаланиб, Дарбанд ва Ширвон оркали Озарбайжонга кўп сонли лашкар юбориб, фитнаю фасод кўтарди, Бу вақтда мен хар иккала Ирокни хам эндигина забт этиб бўлгандим. Тўхтамишхонни йўкотиш учун бехисоб лашкар билан Дарбанд йўли оркали яна Дашти Кипчокка юришни маслахат кўрдим. Юриш олдидан кўрик килиб, лашкарим каергача бориб етишини билмокчи бўлдим. Карасам, тўрт фарсанг масофада лашкарларим саф тортиб турарди. Тангри таолога шукр келтирдим. Сўнг Темур дарёсидан ўтиб, Дашти Кипчокнинг элу улусига ушбу мазмунда ёрликлар йўладим: «Кимки менга келиб кўшилса улуг лайади, кимки мен билан курашмокчи бўлса йикилади».

[Хижрий] 797 [милодий 1394—95] йилда Дашти Кипчок кирдим ва узок шимолида ястаниб ётган ерларигача бордим. Менга карши бўлган Жўчи эл-улусини хароб килиб, ўзимга тобеъ этдим. Бешинчи ва олтинчи иклим вилоятлари, улуслари ва калъаларини забт этдим ва галабаю зафар кучиб ортимга кайтдим.

